
Данғара туман ҳокимлигининг @sizdantelegram ижтимоий канали орқали чиқарилган “ Тадбиркор 185 миллион сўм ҳаққимизни 2 йилдан буён ололмай сарсонмиз ” рукнига МУНОСАБАТ

Данғара туманида яшовчи тадбиркор 1981 йилда туғилган Йўлдошев Ўткиржонга тегишли бўлган жами 185 миллион сўмлик чорва молларини сотиб бериш йўли билан алдаб, ўзга шахснинг ишончига кириб, фирибгарлик содир қилган фуқароларнинг хатти-харакатларини қоралайди.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат ва тинчлик хукмронлик қилаётган даврида, жиноятчилик ва коррупцияга қарши қаттиқ кураш олиб борилаётган вақтда фирибгарлик йўлига ўтган шахслар, давлатимизнинг олиб бораётган сиёсатига қарши қўйилган қадам деб баҳолайди.

Прокуратура ва ИИБ ходимлари томонидан фуқаро Ў.Йўлдошевга нисбатан содир этилган фирибгарлик жинояти бўйича зудлик билан тегишли чоралар кўради ва қонун устоворлигини таъминлаб, фирибгарларни жиноий жавобгарликка тортиш ва етказилган зарарни тўлиқ ундириб бериш чораларини кўради деган умиддамиз.

2020-01-09 15:50:33